

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Иқтисодиёт фанлари*

**ЭШҚУВАТОВ Азизжон Зоҳид ўғли**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Банк-молия академияси тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7662356>

## СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сўнги ўзгаришлар ва жорий ислохотлар дастурини амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини татбиқ этиш, жорий корпоратив бошқарувнинг глобал тамойилларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ва миллий корпоратив бошқарув тизимини иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корпоратив кодексга мос равишда янада такомиллаштириш, ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан ҳамда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизими ривожланишига хос жиҳатлар аниқлаш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятлари ва истикболлари баҳолашдан иборат.

**Калит сўзлар.** Корпоратив бошқарув, “корпоратив бошқарув 2.0”, корпоратив бошқарув кодекси, миноритар акциядор, кузатув кенгаши, мустақил аъзо, блокчейн, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, тамойиллар, диверсификация, корпоратив кодекс, стратегик бошқариш.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется внедрение системы корпоративного управления в акционерных обществах и обществах с ограниченной ответственностью Узбекистана, анализ текущего корпоративного управления в соответствии с глобальными принципами корпоративного управления и диверсификации национальной системы корпоративного управления в контексте диверсификация экономики, а также разработка рекомендаций и предложений по корпоративному управлению в деятельности акционерных обществ.

**Ключевые слова.** акционерное общество, общество с ограниченной ответственностью, принципы, диверсификация, корпоративный кодекс, стратегическое управление.

### ANNOTATION

This article analyzes the implementation of a corporate governance system in joint-stock companies and limited liability companies of Uzbekistan, an analysis of current corporate governance in accordance with global principles of corporate governance and diversification of the national corporate governance system in the context of economic diversification, as well as the development of recommendations and proposals on corporate governance in activities of joint stock companies.

**Keywords.** joint stock company, limited liability company, principles, diversification, corporate code, strategic management, corporate governance, “corporate governance 2.0”, corporate governance code, minority shareholder, supervisory board, independent member, block chain.

Ўтган 2017-2021-йилларда Ўзбекистондаги кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган тизимни яратиш бўйича кенг қамровли ва муҳим ўзгаришларга эришилмоқда. Ушбу йўналишдаги тизимли фаолиятда суғурта компанияларининг кенг қамровли иштироки талаб этилмоқда.

Суғурта компанияларида бизнес бошқарувини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш устувор мақсад ҳисобланади. Жумладан, ЎРҚ-730 да суғурта компаниялари маъсулияти чекланган жамият кўринишидан акциядолик жамияти кўринишига ўтиши келтирилган яъни қарорнинг 39-моддасида Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибида Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади деб белгиланган. Бу эса ўз навбатида суғурта компанияларида корпоратив бошқарув билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

“Корпоратив Бошқарув” магистратура мутахассислиги учун ўқув қўлланмада-“Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, иқтисодий ўсишнинг йўқори суръатларини ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган кўп укладли иқтисодиёт ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш устувор вазифа этиб белгиланди”.<sup>1</sup>

Корпоратив бошқарув иерархиясини бир неча босқичларга бўлиш мумкин:

– XVII асрда Ост-Индия (East India Company) компанияси 24 аъзодан иборат бўлган директорлар кенгагини ташкил қилди. Биринчи марта мулкчилик ва бошқарув вазифалари бўлиб олинди;

– 1776-йил Адам Смит ўзининг “Халқларнинг бойлигининг сабаблари ва табиатлари ҳақидаги тадқиқотлари” асарида таъкидлайдики: “Ташлаб қўйилган мулклар бошқарув учун муаммоларни келтириб чиқаради”, яъни бошқарув ва менежерларни назорат қилиш учун салбий механизм ҳисобланади;

– 1844-йилда биринчи марта акциядорлик жамиятлари ҳақида қонун қабул қилинди. Қонунчиликка мулкчиликнинг янги жавобгарлиги шаклидаги мажбуриятлари жорий этилди;

– 1931-йилда А.Берли ва Г.Минзлар “Замонавий корпорация ва хусусий мулкдор” номли мақоласини нашрдан чиқарди. Унда биринчи марта мулкчилик вазифаларини назорат вазифаларидан тўла тўқис фарқи ажратиб берилди;

– 1933-1934-йилларда АҚШда кимматбаҳо қоғозлар ҳақида қонун қабул қилинди, 1933-йилда қабул қилинган ушбу қонун фонд бозорини тартибга солди.

– 1968-йилда Европа Иттифоқи “Компаниялар тўғрисида” қонун қабул қилинди;

– 1990-йилларнинг бошида тадбиркорлик империяси инкирозга учради. Буюк Британида келишмовчиликлар юзага келди: бир қатор компаниялар (Polly Peck, BCCI, Maxwell), акциядорларни алдаш билан шуғулланганликлари корпоратив бошқарувнинг амалиётда инвесторларни химоялашни такомиллаштириш кераклигини кўрсатди;

– 1992-йил Кедбери қўмитаси биринчи марта корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари бўйича кодексни нашр этди. 1993-йилдан бошлаб Буюк Британия фонд биржасидаги листингга кирган компаниялар кодекс қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисобот бера бошлади.

Ўзбекистонда ҳам маҳаллий корпоратив бошқарувни шакллантиришнинг бир неча босқичлари мавжуд:

– 1980-1985-йилларгача мавжуд бўлган административ-буйруқбозлик усуллари, яъни давлатнинг марказлашган тарзда иқтисодиётни бошқариши макроиқтисодий ҳолатининг ривожланишига тўсиқ бўлди.

<sup>1</sup> <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/11/2-Korporativ-boshqaruv-Oquv-qollanma-B-Yu-Xodiyev-va-bosh-T2011.pdf>

– 1987-1991-йилларда марказлашган монополлашган иқтисодиёт тугатилди ва корпоратив бошқарувга асос солинди. Корхоналарни бошқариш ишчиларнинг қатнашуви орқали меҳнат жамоасининг маслаҳати орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда банкларнинг молиявий капиталлари ва иқтисодиётнинг суғурта сектори ривожланишига йўл очилди.

– 1991-1994-йилларда хусусийлаштириш жараёни бошланиб, бирламчи мулкни тақсимлаш амалга оширилди. Биринчи хиссадорлик жамиятлари шаклланди, лекин хиссадорларнинг ҳуқуқлари аниқ қилиб белгилаб берилмади.

– 1994-1998-йиллардаги корхоналарни хусусийлаштириш даври. Хиссадорлик жамиятлари тўғрисида қонун, қимматли қоғозлар тўғрисидаги, Фуқаролик кодекси, хусусийлаштириш тўғрисидаги кодекслар қабул қилинди. Бозор инфратузилмаси шаклланди, бирламчи инвестицион фондлар, депозитарийлар, регистраторлар, аудиторлик, консалтинг фирмалари шаклланиши билан бир қаторда йирик хорижий компаниялар, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари, қўшма корхоналар ташкил этила бошланди.

– 1994-2001-йилларда дефолт, молиявий ресурсларнинг йетишмаслиги, капиталнинг Ўзбекистондан чиқиб кетиши, корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги каби ҳолатлар юзасидан келажақдаги мулкларни ва капиталларнинг тақсимланиши жараёни асосида кўриб чиқиладиган бўшланди.

Буларнинг барчаси акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини англаб ёетиши асосида амалга оширилди.

– 2002-йилдан бугунги кунгача корпоратив тартиб тўғрисидаги кодекс, корпоратив бошқарув бўйича миллий кенгаш, ушбу кодексларнинг йирик корпорация ва компаниялар томонидан жорий этилиши таъминланмоқда.

Охириги йилларда иқтисодиётнинг мутлақо янги тармоқларини яратиш, айниқса, уларни замонавий бошқарув услубларини бугунги кун иқтисодиётига мослаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Акциядорлик жамиятларини ривожлантириш стратегияси ва самарали бошқариш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”<sup>2</sup> муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз мажлисда ана шу ҳақда тўхталиб, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришимиз унинг ҳақиқий бозор муносабатларига мос келишини таъминлаш ҳамда консерватив қарашлардан воз кечишда катта ҳисса бўлганлигини, лекин бутун дунёда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва ишни корпоратив тарзда бошқариш асосий усул, деб топилган бир пайтда бизда бу борада амалга оширилаётган ишлар қониқарли эмаслигига, ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина эканлигига алоҳида урғу берди. Корпоратив усул бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим шарти эканлиги, бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳаётий заруратлиги, айниқса, соҳага пухта билимга эга бўлган замонавий менежмент ҳамда маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассисларни жалб этиш масалалари долзарб эканлиги айтиб ўтилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли фармони “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли фармони “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.

Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу сабаб корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас. Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратиш истаги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув кодексига кўра, Корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамияти ижроия органи, унинг қузатув кенгаши, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан кредиторларнинг манфаатларнинг мувозанатига эришиш мақсадида, АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш, модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик қайта қуроллантириш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорларга экспорт қилишни таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар тизимидир.

Боб Трикер корпоратив бошқарув ва менежментнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигига 1984 йилдаёқ қуйидагича изоҳ берган: “Агар менежмент қандай қилиб “бизнес юритиш” бўлса, «корпоратив бошқарув» эса, бизнес юритиш тўғри амалга оширилишини қандай таъминлаш керак деганидир<sup>4</sup>.

Жаҳон микёсида корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг замонавий тенденциялари, концептуал ўзгаришларга бағишланган тадқиқотлар хўжалик жамиятларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг фаол жорий этилиши, корпорацияларни бошқаришда манфаатдор томонлар ролининг ортиши, директорлар кенгашининг мувозанатлашган таркиби ва манфаатлар қарама-қаршилиги муаммосини ҳал этишдаги ролини ортишдан далолат бермоқда.

Хусусан, Европа Иттифоқининг корпоратив бошқарув бўйича “яшил китоби”да акциядорлик жамиятлари директорлар кенгашини шакллантиришда профессионал, миллат, гендер хилма-хиллигини кучайтириш, директорлар кенгаши ва менежмент билан мулоқот жараёнларига акциядорларни, хусусан, миноритар акциядорларни кенгроқ жалб этиш, узоқ муддатли мақсадларга янада кўпроқ устуворлик бериш, директорларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини янада ошириш ва уларни шу йўналишда етарлича рағбатлантириш, корпорациялар фаолияти устидан кенг жамоатчилик назоратининг мослашувчан тизимини шакллантириш зарурати қайд этилган<sup>5</sup>.

Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. “Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари” илмий мақоласида корпоратив бошқарува қуйидагича изоҳ юериб ўтган: “Корпоратив бошқарув 2.0” бир томондан, турли-туман фуқаролик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда корпоратив қарорлар қабул қилиш жараёни борасидаги замонавий қарашларни намоён этса, иккинчи томондан, иқтисодий фаолиятнинг “рақамлаштирилиши”, корпорацияларни бошқаришда ахборотлашув шароитида эътиборга олинishi зарур бўлган технологик жиҳатларни қамраб олади”<sup>6</sup>.

Ушбу илмий иш бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида турли усуллардан фойдаланилган. Маълумот йиғиш, саралашда айириш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижасида олинган натижалар индукция усули орқали якуний хулоса сифатида чиқарилди.

<sup>4</sup> Ташходжаев М.М., Ўрмонов Н.Т.. Корпоратив бошқарув назарияларини ривожлантиришда замонавий хорижий адабиётларнинг ўрни.// «Корпоратив бошқарув: назария ва замонавий амалиёт» мавзусидаги республика илмий семинар материаллари тўплами. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019. - 408 б.

<sup>5</sup> Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари.// “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2019.

<sup>6</sup> Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари.// “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2019.

Молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотларни таққослаш ва тадқиқот натижаларини олиш учун статистика кенг қўлланилди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар олиб боришда таҳлил қилиш усули орқали корпоратив бошқарув ва ташкилий хатти-ҳаракатлар ўртасидаги муносабатлар ўрганилди. Муҳокамани умумлаштиришни ҳисоблаш учун синтез усули ишлатилган.

Корпоратив бошқарувни ислоҳ қилиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш, компания самарадорлигини ошириш, акциядорлик жамиятларида таъминловчи муассасалар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, уларнинг салоҳиятли инвесторларга, жумладан, чет эллик ҳамкорларга жозибadorлигини намоян қилиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларни жорий этиш, корпоратив бошқарув, стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини янада мустаҳкамлаш, компаниялар иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилди ва ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида мамлакат корпоратив бошқарув тизимида сезиларли ўзгаришлар киритилди. Шунга қарамай, корпоратив бошқарув соҳасидаги сўнгги ўзгаришлар ва яхшиланишларга қарамасдан, корпоратив бошқарув амалиёти корпоратив бошқарувнинг глобал тамойилларига мувофиқ амалга оширилганлигини эътибордан четда қолмоқда.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув ислоҳотлари жадал суръатлар билан амалга оширилаётган бўлсада аммо корпоратив бошқарув тизимида бир қатор ҳал этилмаган муаммолар юзага келмоқда. Энг асосий муаммо бу давлат асосий акциядор бўлган акциядорлик жамиятларидир.

Ҳозирги вақтда Республикамиз компанияларининг корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштиришнинг асосий устувор вазифалари қуйидагича:

- халқаро тажрибани янада чуқурроқ эгаллаш;
- акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни норматив-ҳуқуқий тартибга солишда фаол иштирок этиш;
- чел эл сармояларини жалб қилишга эътибор қаратиш.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши учун бир неча мақсадларни устувор деб билдик, хусусан, блокчейн технологияларини акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимида жорий этиш.

Бунда Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. “Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари” илмий мақоласида блокчейнни корпоратив бошқарув тизимини ривожланиши учун ўз фикрларини қуйидагича изохлашган: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорига мувофиқ, 2018-2020 йилларда амалга оширилаётган «Блокчейн» технологияларини ривожлантириш дастурида 2021 йил 1 январдан бошлаб «блокчейн» технологияларини давлат органлари фаолиятига, жумладан, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этиш, устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимида, жумладан, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорига мувофиқ, 2018-2020 йилларда амалга оширилаётган «Блокчейн» технологияларини ривожлантириш дастурида 2021 йил 1 январдан бошлаб «блокчейн» технологияларини давлат органлари фаолиятига, жумладан, бошқа давлат органлари ва

ташкilotлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этиш, устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкilotларининг корпоратив бошқаруви тизимига, жумладан, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этиш кўзда тутилган.

Фикримизча, блокчейн технологияларини хўжалик жамиятлари корпоратив бошқарувида қўллаш қуйидаги қўшимча имкониятларни юзага келтиради:

- акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини модернизация қилиш, хусусан, блокчейн технологиялари ёрдамида виртуал умумий йиғилишларда овоз бериш;

- блокчейн муҳитида шаффофлик ва ишончни мустаҳкамлаш орқали агентлик муаммосини ҳал этиш учун янгича ечим бўлиб хизмат қилиши;

- “ақлли шартномалар”ни кенг жорий этиш;

- манфаатдор томонларнинг “ҳамкорлик”ка асосланган бошқарувдаги иштирокини кучайтириш”<sup>7</sup>.

Республикада корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш бўйича ташаббускорлик аксарият ҳолларда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида кузатилмоқда. Бу эса, корпоратив бошқарувнинг замонавий механизмларини жорий этишнинг давлат сиёсати даржасига кўтарилганлиги билан ҳам изоҳланади. Айни пайтда, хўжалик юритишнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида корпоратив бошқарув механизмларини жорий этиш суут даражада йўлга қўйилган. Чунончи, хусусий секторда кўпчилик масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритишни мақбул ҳисоблайди. Бу эса акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклининг, қатор қўшимча имкониятларга эга бўлишига қарамай, ҳанузгача инвестиция жиҳатидан етарлича жозибадор эмаслигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятлар корпоратив бошқарув тизимига нисбатан талабларни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар киритилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Умуман олганда, республикада хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Жамият юшқарувидаги миноритар акциядорларнинг ролини ошириш учун, қимматли қоғозларнинг номинал сакловчилари орқали “Проху”-овоз бериш амалиётини тизимли жорий этиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни тегишли ҳуқуқий меъёр билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши таркибидаги аудит қўмитаси таркиби фақатгина мустақил аъзолардан иборат бўлиши қонунан ҳимояланган бўлиши лозим. Шунингдек, мустақил аъзолар кузатув кенгаши умумий аъзоларининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилиши зарур.

Республикада мустақил директорлар маркази институтционал ташкил қилиниши – Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ассоциацияси ташкил этилиши, кузатув кенгашининг мустақил аъзоси алоҳида билим даражасига эга бўлиши, улар учун доимий малака ошириш курслари тизими ташкил этилиши керак.

<sup>7</sup> Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2019.

Суғурта соҳасида рақамли трансформацияни амалга ошириш учун блокчейн технологияларни кенг миқёсда тизимга жоре қилиш лозимдир ва ушбу блокчейн платформаси мураккаб процедураларга таянган соҳаларда тартибга солишнинг асосий юналишлари мисолида кўриш мумкин.

Ахборот технологиялари инфраструктурасини тўлиқ янгилаш, хусусан, бизнес юритишнинг замонавий интеграллашган тизимини, блокчейн технологияларни фаолиятга жорий этиш.

Аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида компаниянинг ижобий имижини шакллантириш мақсадида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш, корпоратив миждозлар ва жисмоний шахслар бозорида истиқболли ва долзарб вазифаларни ўз олдига кўйиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамизда тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек, миллий маҳсулотларимизни рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли фармони “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.
3. Мирзиёев Ш. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни №233-И “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)”, 1996 йил 26 апрел. Янги таҳрири ЎРҚ-370 сон билан 2014 йил 06 майда тасдиқланган.
5. Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2007. – 319б.
6. Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Натс.б-ки Узбекистана, 2005. – 132с
7. Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204с.
8. Расулов Н. Корпоратив бошқарув амалиёти: миллий ва халқаро тажриба//Иқтисодиёт ва инноватсион технологиялар илмий электрон журналы.№2, март-апрел. 2015.
9. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 4, июль-август, 2019.
10. Ташходжаев М.М., Ўрмонов Н.Т.. Корпоратив бошқарув назарияларини ривожлантиришда замонавий хорижий адабиётларнинг ўрни.// «Корпоратив бошқарув: назария ва замонавий амалиёт» мавзусидаги республика илмий семинар материаллари тўплами. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019. - 408 б.
11. The EU corporate governance framework. Response to the European Commission’s Green Paper. Brussels, 2011.
12. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 2, март-апрель, 2018 й.
13. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/11/2-Korporativ-boshqaruv-Oquv-qollanma-B-Yu-Xodiyev-va-bosh-T2011.pdf>

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**